КАРЛ ПОППЕР ВА УНИНГ ТАНҚИДИЙ РАЦИОНАЛИЗМИ

В.Алемасов

Ҳақиқатни талқин қилишда авторитет бўлишга даъвогар ҳар қандай таълимотга шубҳа билан қараш лозим.

К.Поппер

В статье раскрываются сущность критического рационализма крупного английского философа Карла Поппера. На основе его книги «Предположения и опровержения» показывается, что любая философская мировоззренческая концепция, мысль должна отражать объективно-критический поиск исследователя, субъекта познания.

In article are opened the large essence critical rationalistic of English philosopher Carle Popper. On the basis of his book "The Assumptions and refutations" is shown, that any philosophical world wide concept, idea should reflect objective - critical search of the researcher, subject of knowledge.

Фанлар фалсафасининг шаклланишида инглиз мантиқшуноси ва социологи Карл Раймунд Поппер(1902 – 1994)нинг алоҳида ўрни бор. Илмий изланишларини неопозитивизм масалаларини ўрганиш билан бошлаган К.Поппер кейинчалик постпозитивизм танқидий рационализмига оид назарий-фалсафий муаммоларни тадқиқ этишга ўтади. Унинг “Очиқ жамият ва унинг душманлари”, “Историцизм қашшоқлиги”, “Объектив билим. Эволюцион ёндашув”, “Реализм ва фаннинг мақсади” каби асарлари мазкур изланишларининг маҳсулидир. Биз ушбу мақолада К.Поппернинг фанлар фалсафасига ва танқидий рационализм билиш усулига оид қарашлари акс этган “Фаразлар ва раддиялар” (1963) асарига мурожаат этамиз. Бу икки жиҳатдан фойдалидир: биринчиси – сийқа қарашларни буюк кашфиёт, илоҳий каромат даражасида улуғлаш анъанага айланган, ҳар қандай танқид ҳаётдан сиқиб чиқарилаётган ҳозирги пайтда критицизм усулини ўрганиш илмий ва амалий аҳамиятга моликдир; иккинчиси – махсус ўқув юртларида фанлар фалсафаси, мантиқшунослик, гносеология ўқитилаётган бўлса-да, шу пайтгача ушбу соҳаларда янги ғояларни, қарашларни илгари сурган, замонавий гносеологик изланишларга тенглашадиган асарлар яратган, мустақил фикрлашга қодир мутахассис топилмади. Бори ҳам мавжуд, ишланган, ҳаммага маълум фикрлардан, адабиётлардан талабаларга ўқув қўлланмалари ёки маърузалар матни тайёрлашдан нарига ўтмайди. Фанлар фалсафасида, мантиқшунослик ва гносеологияда мустақил изланишнинг йўқлиги, фалсафадаги критицизм анъанасини ва уни замонавий муаммоларга тадбиқ эта билмаслик фанимиздаги энг жиддий камчиликдир. К.Поппернинг танқидий рационализм ҳақидаги назарий-фалсафий меросини ўрганиш ушбу камчиликларни бартараф этишга ёрдам беради.

Антик даврда туғилган дадил ва ранг-баранг назарий-фалсафий изланишлар ўрта асрларга келиб схоластик, спекулятив хусусият касб эта бошлайди. Уларда тушкунлик, авторитетларга сиғиниш ҳукмронлик қилади. Тўғри, эпистемологик тушкунлик Платон фалсафасига бориб тақалади, аммо ўрта аср фалсафаси тушкунликни барқарор воқеликка айлантирди, инсон ақлу идрокига оламни билиш мушкул деган ғояни, авторитетни, трансценденцияни қарши қўйди. Инсоннинг гуноҳкорлигини, ожизлигини уқтириш, унинг қисмати ва интилишлари худо ҳукмидадир деб талқин қилиш ўрта асрдаги диний-фалсафий таълимотларга хос жиҳат эди. Инсон ақлу идрокига ишонмаслик, авторитетларга, худоларга, трансценденцияга сиғиниш кейинги илмий изланишларга, тафаккур тараққиётига ҳам салбий таъсир этади. Масалан, Янги давр фалсафасини бошлаб берган Ф.Бэкон ва Р.Декарт ҳам ушбу таъсирдан қочиб қутулолмадилар. Шунинг учун ҳам К.Поппер Ф.Бэкон эмпиризмини ҳам, Р.Декарт интеллектуализмини ҳам “хато” деб атайди.

К.Поппернинг фикрига кўра, Бэкон ва Декартнинг оптимистик эпистемологияси асосида Платоннинг инсон руҳи у туғилмасидан олдин ҳамма нарсани билади, чунки “руҳ ва нарсалар ўхшаш, қариндошдир” деган анамнезис назарияси ётади. Ҳақиқатан ҳам Бэкон, агар ҳақиқат ўзини намоён этмаса, инсон уни ўзини намоён қилишга мажбур этади, чунки инсон билиш кучига эга, Декарт эса, инсон ҳис-туйғулари, интуицияси орқали ҳақиқатни билади, ҳақиқатни ёлғондан, хатолар ва адашишдан фарқлай олади, деб ҳисоблаганлар. Бэконнинг эпистемологик оптимизми инсон “Табиатнинг ҳақиқатлиги(veracitas naturae)”ни, Декартнинг эпистемологик оптимизми эса инсон “Худонинг ҳақиқатлиги(veracitas dei)”ни билади деган қарашга қурилган. Демак, билишнинг

илоҳий воқелигига ишониш файласуфларнинг учаласига ҳам хосдир. Шу билан бирга, эпистемологик тушкунлик ҳам улар фалсафасига хос белгидир. Масалан, Платон анамнезис назариясида инсон туғилгач руҳ ўзининг билиш хусусиятини йўқотади, демак, инсон ғофил туғилади деган фикрни, "Давлат" асарида эса, ҳақиқатни фақат файласуфлар билади, деган ғайриинсоний ғояни илгари суради. Бэкон ва Декарт ҳам унга эргашадилар. Уларнинг фикрига кўра, Табиат ва Худонинг ҳақиқатлигини, мавжудлигини фақат ғофил кишиларгина кўрмаслиги, билмаслиги мумкин. Инсоннинг ғофиллигига унинг гуноҳкор туғилиши, хурофотларга берилиши, ақлу идрокни ёлғонлар билан булғовчи кучлар сабабчидир. Инсоннинг Табиат ва Худо ҳақиқатлигини билиши учун ушбу сабабларни очиб берадиган, уларнинг зарарли эканини фош этадиган, "кўзини очадиган" авторитетлар зарур. Авторитет ҳақиқатнинг борлигини қайта-қайта асослаб туради, шу тариқа у кишиларни адашишдан асрайди, уларга қандай фикрлашни, яшашни ўргатади. Аслида бу инсоннинг ақлу идрокига ишонмаслик, унинг изланишларини бир қолипга солишга интилиш, ҳаёт тарзини анъанага итоат эттиришдир.

Бэкон ва Декартнинг Табиатнинг, Худонинг ҳақиқатлигини ғофил кишиларгина кўрмаслиги, билмаслиги мумкин деган назарияси зиддиятларга тўла. Агар ҳақиқат Табиат ва Худо шаклида мавжуд бўлса, уларни инсон кўрмаслиги, билмаслиги мумкин эмас; қандай қилиб мавжуд нарсани инсон кўрмайди, билмайди? Агар инсон ғофил туғилса, унинг онги, ақлу идроки хурофотга ботган бўлса, қандай қилиб у ҳақиқатни билади? Бу тақдирда ҳақиқатнинг борлиги шубҳа уйғотмайдими? Мабодо инсон билиш кучига эга бўлса у ё ўзи, ёки бошқалар сабабли ғофилдир. Демак, ҳақиқатни ҳамма эмас, айрим кишиларгина билади. Ушбу "айрим кишилар" авторитетлардир.

Платон "Давлат" ва "Федр" асарларида файласуфларни авторитетлар даражасига кўтаради, чунки ҳақиқатни, бутунни айрим кишилар, яъни файласуфлар билишга қодир. Бу анамнезис назариясидан эпистемологик тушкунликка қайтишдир. Бэкон ва Декарт эпистемологияси ҳам унга монанддир, чунки уларнинг фикрича, инсон билиши мумкин, бироқ унинг билими Табиат ва Худо доирасидадир. Агар Платон эпистемологияси айрим кишилар – файласуфларни авторитетга айлантирса, Бэкон – Табиат ва эмпиризмни, Декарт эса Худо ва интеллектуализмни янги авторитетлар сифатида тақдим этадилар. Шубҳасиз, Бэкон ва Декарт эпистемологияси Аристотель догматикасидан ҳамда ўрта аср схоластикасидан халос бўлиш томон ташланган дадил қадам эди, бироқ уларнинг янги "ақлу идрок авторитети ва ҳис-туйғулар авторитетини шакллантирганлар"ини унутиб бўлмайди. К.Поппер таъкидига кўра, Янги давр файласуфлари билим инсон саъй-ҳаракатларининг маҳсули, билиш, ақлу идрок индивидуал ва ихтиёрий ҳодисалар эканига тааллуқли муаммоларни ҳал этолмадилар.

Янги давр фалсафасида, албатта, Бэкон ва Декарт таъсирида, инсонда оламни, маҳдудотни билишга қодир ақлу идрок ва ҳис-туйғу тарзидаги илоҳий сифат ҳамда билимнинг чекланганлигига, одамнинг ғофиллигига тааллуқли одамий сифат мавжуд деган қараш шаклланди. К.Поппер мазкур қарашни шубҳа остига олади. Чунки ҳис-туйғу, интуицияни билим манбаи сифатида қарашнинг нотўғрилигини ўз даврида Ксенофан, Гераклит, Демокрит қайд этган. Шунга қарамасдан айрим тадқиқотчилар (феноменалистлар ва позитивистлар) ҳамон интуицияни билим манбаи ҳисоблайдилар. Улар, ҳис-туйғулар, интуиция эмас, балки "бизнинг ўзимиз адашамиз, ҳис-туйғулар, интуиция ҳақиқатни хабар қилади, бироқ биз турли сўзлар, иборалар, таърифлар билан ҳақиқатни бузамиз", деб кўрсатадилар. Ундан табиий сифатлар – ҳис-туйғулар, интуиция эмас, балки сунъий сифатлар – одам яратган ифода, тасвир, сўзлар бизни адаштиради деган хулоса келиб чиқади. Шу тариқа инсон яратган артефакт камситилади, ҳис-туйғулар, интуиция улуғланади. Бу аслида Платоннинг ҳақиқатни айрим кишилар – файласуфлар билади деган ғайриинсоний фикрининг давомидир.

Хўш, билим манбаи нимада – объектдами, ҳис-туйғулар, интуициядами ёки сўз, ифода, артефактдами? Агар объектда бўлса билим (билиш) инсондан ташқаридаги воқеликдир, инсоннинг гносеологик изланишларига, азият тортиб ҳақиқат излашларига ҳожат йўқ, илоҳий билим мавжуд, у инсоннинг билишига муҳтож эмас деган фикр туғилади. Объектни билим (билиш) жараёнидан ташқарида, яъни билим (билиш) манбаига тааллуқли бўлмаган нарса деб қараш инсоннинг ақлу идрокини рад этишга етаклайди. Объектни илоҳийлаштириш эса авторитетга сиғинишга олиб келади, инсоннинг мустақил фикрлаш ва изланишга қодирлигига шубҳа уйғотади, шу тариқа инсон объектга, авторитетга банди этилади. Мабодо билим (билиш) манбаи ҳис-туйғуларда, интуицияда бўлса билим (билиш) мутлақ субъектив воқеликка айлантирилади, ҳис-туйғуларга, интуицияга эга ҳар қандай мавжудот билиши, ҳақиқатга етиши мумкин. Бу тақдирда ҳақиқат барчага аён нарса, ҳис-туйғуларга, интуицияга эга мавжудот ушбу ҳис-туйғулар ва интуицияга

ишониши даркор холос, деган хулосага келамиз. Унда объектга ҳам, гносеологик изланишларга ҳам, ақлу идрокка ҳам ҳожат қолмайди. Бундай ёндашишнинг нотўғри эканлиги ўз-ўзидан аёндир.

Сўз, ифода, тасвир – артефакт инсон яратган сунъий оламдир; улар инсоннинг оламни, маҳдудотни англашга қаратилган гносеологик тажрибаларининг натижасидир. Демак, артефактни объект ва гносеологик изланишлардан ажратиш ёки уларга қарама-қарши қўйиш мумкин эмас; у, яъни артефакт объект ва субъектлар ранг-баранг муносабатларининг ҳар хил талқин этилиши мумкин бўлган натижасидир. Шунинг учун К.Поппер "билим манбалари кўп, аммо уларнинг ҳеч бири мутлақ авторитетга эга эмас", деб ёзади.

Одам ҳақиқат нима эканлигини билмайди; ҳақиқатнинг мезонлари, чегаралари ҳам йўқ, уларни ҳар ким ўзича талқин этади ва изоҳлайди. Валек ҳақиқат мезонларининг йўқлиги ундан воз кечиш зарурлигини англатмайди, балки инсон ҳақиқатга интилиб ақлу идрокнинг, билимнинг куч-қудрат эканини тасдиқлайди. Натижада "дунёни билишга қанча кўп ва чуқур киришсак, биз уни шунча билмаслигимизни, ғофиллигимизни кўпроқ ва аниқроқ англаймиз. Аслида бизнинг ғофиллигимиз шундаки, бизнинг билимимиз чекланган бўлиши мумкин, шу билан бирга бизнинг ғофиллигимиз беҳад чексиздир... Шуни эсда тутиш фойдалики, кам нарсаларни билишда биз бир-биримиздан кучли фарқ қиламиз, лекин беҳад ғофилликда биз барчамиз тенгмиз." Шунинг учун ҳақиқатни тинмай излаш инсонга берилган ягона имкондир, бу эса "ҳақиқат киши сиғинадиган авторитетлардан юқоридир" деган хулосага олиб келади. Файласуфнинг ёзишича, ҳақиқатга, билимга етиш йўли танқид, ўзини ўзи танқид, баҳс, муроқабадир. "Эмпирикларнинг авторитетларга сиғинишга олиб келадиган "Сиз ҳақиқатни қаердан биласиз? Тасдиғингиз манбаи нимада?" деган саволларини "Хатоларни қандай топиш ва бартараф этиш мумкин?" деган савол билан алмаштириш лозим". Чунки эмпирикларнинг саволлари ҳақиқатни, билимни қандайдир авторитетлардан тасдиқ, далил, исбот келтиришга ундайди, шу тариқа мустақил фикрлашга, изланишга ўрин қолмайди. Илмий изланишларда бу энг осон, аммо сийқа, тафаккурга деярли ҳеч нима қўшмайдиган, мавжуд фикрларни такрорлашдан, компиляциядан иборат усулдир. Ўзимизда ўтказилаётган тадқиқотлар ва чоп этилаётган "илмий асарлар" ана шундай усул маҳсули бўлгани учун уларда жаҳон илмига, тафаккурига бирор янгилик киритган эътиборли фикр учрамайди. "Хатоларни қандай топиш ва бартараф этиш мумкин?" деган савол эса танқидий рационализм усули сифатида назарияларни, фаразларни танқид қилишга, танқид орқали уларни такомиллаштириб боришга, янги назариялар ва таълимотларни яратишга олиб келади. Авторитет билим (билиш) манбаи эмас, танқид, эксперимент, баҳс, муроқаба илмий назарияларни догмаларга айланишдан асрайди, улардаги хато ва чалкашликларни бартараф этади. Илмий изланишларда танқиддан ташқари турадиган қарашлар, таълимотлар, авторитетлар бўлмаслиги керак. Демак, бир томондан, ҳақиқатни топиш, билимнинг тагига етиш амри маҳолдир, одамнинг ғофиллиги, ақлу идроки ва имконининг чеклангани унга ҳақиқатни англашга, билимнинг тагига етишга халақит беради; иккинчи томондан, авторитетлардан, имкониятлардан юқори турувчи ҳақиқат борлигини, инсонга ушбу ҳақиқатни тинмай излаб яшаш имкони берилганини, фақат шу тақдирдагина инсонда илмий изланишларга, билимга қизиқиш сўнмаслигини унутмаслик даркор. "Ҳақиқатни излаш илмнинг ягона мақсади эмас, биз шунчаки ҳақиқатни эмас, балки янада чуқурроқ ва янги ҳақиқатни қидирамиз".

К.Поппер илмий назарияларнинг текширилишини, рад этилишини "фальсификация" деб атайди. Фальсификация қилинмайдиган қарашлар – астрология, мистика, эзотерия, миф-афсоналар ноилмийдир, чунки ушбу қарашларнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини эмпирик текшириб бўлмайди. Аммо уларнинг маълум бир эмоционал-руҳий ва бадиий-эстетик вазифаларни бажаришини инкор қилиш мумкин эмас. Баъзи миф-афсоналар эса илмий назарияларни келтириб чиқарган ёки уларга айнандир. Масалан, Эмпидоклнинг адашиш ва синовлар орқали эволюцион ривожланиш назарияси ёки Парменидниг ўзгармас, қотган универсум ҳақидаги миф-афсонаси Эйнштейннинг универсум назариясига айнандир. Илмий ва ноилмий қарашларни қиёсий таҳлил қилиб, К.Поппер уларнинг илмий назарияларга айланиш хусусиятларини аниқлашга интилади. Шу тариқа у демаркация, яъни илмий қарашни ноилмий қарашдан фарқлаш усулини ўрганишга келади.

Ф.Бэкон давридан бошлаб фанлар фалсафасида илм кузатув, эксперимент ёки индукция усули, "фикрларни олдиндан кўра билиш" (Бэкон) натижасидир деган қараш қарор топади. К.Поппер бундай қарашга қўшилолмаслигини ёзади. Мисол тариқасида у Ньютон, Коперник, Эйнштейн назарияларини келтиради. Ушбу назариялар кузатув натижалари эмас. Масалан, Эйнштейннинг нисбийлик назарияси "олий даражада абстракт ва спекулятив хусусиятга эга". Ёки

бўлмаса “етти донишмандлар”дан бири Фалеснинг Ер-юмалоқ ва у кемадек сувда сузиб юради деган ғоясини олайлик. Антик даврда Ернинг юмалоқлигини кузатиш имкони йўқ эди, Ернинг сув билан ўралганини фараз қилиш мумкин эди холос. Бэкон кузатув билим, фан асоси экани ҳақида ёзганида нима учун айнан кузатувга асосланган қараш ҳақиқий билим эканини, нима сабабдан биз ушбу ғояга ишонишимиз лозимлигини исботлаши даркор эди. Чунки барча назариялар гипотеза, фараз ёки тахминлардир; келиб чиқиши ва моҳияти нуқтаи назаридан улар субъектив, спекуляциядир. Шунинг учун, К.Поппернинг хулосасига кўра, илмий назарияларнинг асосини кузатувдан қидириш бемаъниликдир, улар муаммолардан бошланади ва янги-янги муаммоларни аниқлаш, топишга олиб келади.

Билим (билиш) ва илмий назарияларнинг кузатувга асосланмаслигига Анаксимандрнинг, Ерни ҳеч нима ушлаб турмайди, у юмалоқ дўмбирага ўхшайди ва космосда симметрик кучлар таъсирида бир масофада жойлашган, деган ғоясини, Ньютоннинг гравитация қонунини, ҳозирги пайтдаги Вегенернинг қитъаларнинг силжиши назариясини ҳам келтириш мумкин. Демак, “кузатув ва тажрибадан бошланадиган билиш усули йўқ. Фаннинг ривожланишида кузатув ва тажриба танқидий аргументлар ролини ўйнайди... Кузатув ва тажрибанинг аҳамияти улардан назарияларни танқид қилишда фойдаланишдадир”. “Умуман, – деб ёзади К.Поппер, – физикадаги яхши назариялар мудом Бэкон “фикрларнинг олдиндан кўра билиши (яъни ноилмий тарзда башорат қилиши, далилларга асосланмаслиги. – В.А.) деб рад этган қарашларни (ноилмий қарашларни. – В.А.) эслатади”. Файласуф демаркация мезони сифатида назарий тизимларни, илмий қарашларни фальсификациялаш усулини таклиф этади. Ушбу усулга мувофиқ бирор қарашнинг илмий назария бўлиши учун “унинг тасдиқлари кузатувлар билан тўқнашишга қодир бўлиши керак. Ва шундай синовлар топилиши керакки, улар назариянинг нотўғрилигини кўрсата олсин”. Кўриниб турибдики, қарашнинг илмий назарияга айланиши унинг “кузатувлар синови” – танқид ва тажриба синовидан ўтишига боғлиқдир.

К.Поппер кузатув ҳам, илмий назариялар ҳам мураккаб воқеликлар эканини унутмайди. У ҳеч нима ҳақида тор, бир томонлама, ўз фикрини ягона ҳақиқат сифатида уқтирувчи хулоса чиқармайди, балки уларни танқид қилиш учун очиқ жой қолдиради. Баъзан файласуф ақлни, ўқувчини баҳсга тортиш учун қарашларни, назарияларни атайин кескин танқид қилаётгандек туюлади, бироқ унинг эпистемологияси фақат рад этишга эмас, балки танқид орқали рационал далил, рационал фикр ва рационал таълимот излашга қурилганини унутмаслик зарур. “Ён-атрофимизни, оламни билишга қаратилган интилишларимизда, – деб ёзади К.Поппер, – битта рационал жиҳат мавжуд – у назарияларимизни танқид орқали синашдир. Назариялар ўзича фаразлардан иборат, биз билмаймиз, фақат фараз қиламиз. Агар мендан “Сиз қандай биласиз?” деб сўрасангиз, мен “Билмайман, фақат фаразларимни айтаман” деб жавоб бераман. Мабодо сизни менинг муаммоларим қизиқтирса, бу борадаги эътирозларингизни эшитишдан хурсандман, лекин ўз навбатида мен ҳам сизнинг эътирозларингизга раддия беришга уринаман.” Демак, К.Поппер назарида илм-фан, фалсафа, билиш фаразлар, танқид ва раддиялар орқали ривожланади. Шунинг учун у “Бэконнинг индукцияси мифдир”, деб ёзади, ўзини “кенг тарқалган индуктивизм догмаларининг мухолифи”, тадқиқ усулини эса “танқидий эмпиризм” деб атайди.

К.Поппер Декартнинг билим (билиш) ҳис-туйғу, интуициядан бошланади деган назариясини ҳам рад қилади. “Мен мудом, – деб иқрор бўлади у, – интуицияни билиш манбаи деб атайдиган фалсафанинг рақиби бўлганман.” Илм, билиш, умуман фанлар фалсафаси муаммолардан бошланади, муаммоларни ечиш истаги назарияларга олиб келади. Шунинг учун ҳам К.Поппер Бэконнинг тажрибани қўллаб-қувватлайдиган эмпиризмига ҳам, Декартнинг интуицияни қўллаб-қувватлайдиган интеллектуализмига ҳам ишонмайди. Илмий назариялар қандай эътиборли, муҳим муаммоларни ечишни мақсад қилиб қўйгани билан қимматлидир. Муаммоларни эса танқидий ёндашув орқалигина ечиш ёки ечишга яқинлашиш мумкин.

Кишилар “ягона ҳақиқат”, “абсолют” излашдек номақбул одатдан воз кечмаган, улар турғун, муқим, мунтазам нарсаларни севишга ўрганганлари учун авторитетларга сиғинадилар. Авторитет уларни азият тортиб ўйлашдан, келажак учун масъулликни ўз устига олишдан, мустақил изланиб адашишдан асрайди, ҳаммани бир қолипда фикрлашга, башоратига мувофиқ яшашга, анъаналарга қатъий риоя этишга ундайди. Авторитетнинг шиори – барқарорлик, муқимлик, тинчлик. Ушбу шиорда кишиларнинг диққатини жалб этадиган жиҳатлар мавжуд. Масалан, ким барқарор ривожланишни, тинчликни истамайди дейсиз. Бироқ ҳамма сир, жумбоқ шундаки, ҳаёт ҳар доим ҳам барқарор ривожланавермайди, инсоният ҳали тинчликда яшашга ўрганмаган. Инсоният цивилизацияга қадам қўйганидан бери атиги уч ойгина тинчликда яшаган холос, қолган олти минг

йилдан бери ер юзининг гоҳ бу қитъасида, гоҳ у қитъасида давлатлар, элатлар бир-бирини маҳв этиш билан банд. Авторитет барқарорликни, тинчликни, инсон ҳуқуқларини тўла таъминлашга, ҳур фикрликни қўллаб-қувватлашга, демократик қадриятларни қарор топтиришга хизмат қилса қўрқинчли эмас, агар у ўз фикрини, назариясини, сўзларини ягона ҳақиқат билиб, барчани ўз кетидан эргашишга мажбур этса хавфлидир. Авторитет инсон сифатида ўз назарияларини яратиш ва тарғиб этиш ҳуқуқига эга, аммо у ушбу қарашларини социал технология орқали жамиятга зўрлаб сингдирса, шу тариқа догмалар яратса ёмон. Тўғри, айрим ҳолларда догматизм зарур, ҳатто фойдалидир. Масалан, бирор нарсани баҳолашда ёки унинг зарурлигини исботлашда киши маълум бир догмага, барқарор, муқим қарашга таянади. Лекин авторитет, догматизм ҳур фикрликни рад этса, танқидий ёндашишга имкон бермаса, салбий натижаларга олиб келади. Ҳур фикрликнинг, танқиднинг йўқлиги беиз кетмайди, улар инсоннинг психологиясига, маънавий ҳаётига салбий таъсир этади, ҳатто асаб касалликларини келтириб чиқаради. Ўзини ўзи танқид йўқ муҳитда ақлдан озган ёки тентакона фикрлайдиган кишилар сони кўпаяди, кишилар сергак яшашни унутадилар, улар ён-атрофга бефарқ, жиззаки ва ўта инжиқ бўладилар. Бундай муҳитда ўзини бошқалардан устун қўйишга интилиш, нарцизм илдиз отади.

Танқид, фальсификация муқимни, догматизмни мутлақ йўқ қилмайди, улар оғзаки ёки ёзма далиллар орқали догмадаги регрессив томонларни рад қилади ва шу тариқа ундаги прогрессив, рационал жиҳатларнинг кўпайишига, ривожланишига йўл очиб беради. Танқидий рационализм мантиқий асослаш(аргументация)га, дедуктив мантиқий фикрлашга, мушоҳадага таянади. “танқидий ёндашувга, – деб кўрсатади К.Поппер, – кўпроқ мақбул назарияларнинг яшаб қолиши учун назарияларимиз ва фикрларимизни курашнинг барча оғирликларига дучор этишга интилиш усули деб қарасак ўринлидир.”

Танқидий рационализм илм-фанни, илмий назарияларни ноилмий ёндашувлардан, сийқа қарашларга эргашишдан, компиляцияга, маддоҳликка берилишдан асрайди. Компиляция, маддоҳлик ҳурфикрлик, демократия, илм-фаннинг душманларидир, айнан улар сабабли жамиятда авторитетларнинг бадҳазм фикрлари “ягона ҳақиқат” сифатида тарғиб этилади. Демократик жамиятда “ягона ҳақиқат”нинг бўлиши амри маҳолдир. Энг оқил, энг доно шахс ҳам “ягона ҳақиқат”ни тополмайди, айтолмайди; ҳеч бир шахс, ақл шундай ҳақиқатни кишилар онгига сингдириш ҳуқуқига эга эмас. Шунга даъвогар шахс пайдо бўлса, у куч ишлатишга, автократик ёки тоталитар бошқаришни ўрнатишга мажбурдир. Шунинг учун ҳам танқидий рационализм, ўзини ўзи танқид нафақат илмий назарияларни ноилмий қарашлардан, худди шунингдек, демократияни ғайридемократиядан, сидқидилликни маддоҳликдан, яхшиликни ёмонликдан ажратишга ёрдам берувчи усулдир.

К.Поппер танқидий рационализм усулидан ўзининг “Очиқ жамият ва унинг душманлари” асосларида моҳирона фойдаланган. ХХ асрнинг иккинчи ярмидан кейин пайдо бўлган бирорта эътиборли ижтимоий-фалсафий ва сиёсий таълимот файласуфнинг ушбу асаридан, очиқ жамият ғояси таъсиридан чеккада қолмаган. К.Поппер Платон, Гегель ва Марксннинг инсон ҳуқуқларини камситувчи ғайриинсоний, ғайридемократик назарияларини кескин танқид қилади, “буюк донишмандлар”нинг историцизми тараққиётга зид эканини очиб беради. Унинг “Сохта пайғамбарлардан сақланинг!” шиори авторитетларга сиғинишга қарши қаратилгандир. Цивилизациянинг, тараққиётнинг тақдири авторитетларга сиғинишдек бад одатдан халос бўлишга боғликдир. Тоталитар тузумларнинг, шахсга сиғинишнинг пайдо бўлмаслиги учун кишилар мустақил, эркин фикрлашга, демократияни ҳаёт тарзига айлантириш учун ҳар куни ниманидир қилишга интилишлари зарур. Танқид, ўзини ўзи танқид демократияни ҳаёт тарзига айлантиришнинг энг таъсирчан усулларидан бири ҳисобланади. Критицизм йўқ жойда амалдорларнинг ўз мавқеини суистеъмол қилиши, оддий кишиларнинг ҳуқуқларини топташи, уларни лақиллатиши одатий ҳодисага айланади, фақат танқид, ижтимоий назорат автократизм ва тоталитаризмнинг бош кўтаришига йўл қўймайди. К.Попперннинг сиёсий-фалсафий таълимотидан, очиқ жамият ғояси ва танқидий рационализмидан шундай хулоса келиб чиқади.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб айтиш мумкинки, билим (билиш), илм-фан ва илмий назарияларнинг юзага келиши, ривожланиши муаммолардан, муаммоларни қўйишдан бошланади, тажриба, кузатув эса назарияларни синаб кўриш, асослаш усулларидир. Илмий билимларнинг ривожланиши тажриба ва кузатувларнинг кўпайганида эмас, балки илмий назарияларни танқид, фальсификация, рад этилганида ҳамда шу тарзда янада мукаммалроқ, янада қониқарлироқ назариялар яратилганидадир. Танқидий рационализм назарияларни қайта ва қайта танқид қилиш орқали синаб кўришга ундайди, уларнинг яшовчанлигини аниқлайди ҳамда улардаги регрессив

жиҳатларини бартараф этиш йўлларини топади. Танқид шахс устига маълум бир масъуллик, жавобгарлик юклайди, чунки танқид бадном этиш, маҳв қилиш, бузиш эмас, у аслида янги қарашлар ва ёндашувларни яратишга интилишдир. Шундай масъулликни ўз устига олган танқидгина рационалдир.

ЎзФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти,
2009 йил 24 сентябрда қабул қилинган